# ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

КПСС Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йиллик планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активликни янада жўш урдириб юборди. Социалистик мусобақанинг кучи — унинг оммавийлигида, илғор тажрибани такрорлаш ва кўпайтириш мумкинлигида, Ватан қудратини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрликни ҳамма нарсадан юқори қўяётган совет кишисининг ижодий қобилиятларини амалда рўёбга чиқаришдадир. Мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини авж олдириш учун ҳамма жойда зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш керак.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети мамлакатни социал-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштириш ишида социалистик мусобақага муҳим аҳамият бериб. қарор қиладилар:

1. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, совет ва хўжалик органлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва ижтимоий ташаббускорлигига таяниб, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ривожлантириш борасидаги оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини авж олдирсинлар. Барча ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ва илмий ходимлар, мутахассислар ва хизматчилар, бригадаларнинг, участкаларнинг, бўлимлар ва фермаларнинг, корхоналар, бирлашмаларнинг, совхозлар, колхозларнинг. ташкилотлар ва муассасаларнинг коллективлари, студентларнинг отрядлари мусобақада актив қатнашишлари таъминлансин.

Шаҳар ва қишлоқлардаги миллионлаб меҳнаткашларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини иқтисодий ва социал ривожланишда белгиланган марраларга эришишга қаратиш — социалистик мусобақани ташкил этишдаги энг асосий вазифадир. Биронта ҳам меҳнат ташаббуси эътибор берилмасдан ва қўллаб-қувватланмасдан қолмаслиги учун ҳамма ишни қилиш зарур. Якка-якка ва коллектив меҳнат мусобақаси, ўртоқларча ўзаро ёрдам бутун чоралар билан ривожлантирилсин. Мусобақанинг ҳар бир қатнашчисини топширилган иш учун юксак масъулият, коллективчилик руҳида, хўжасизлик ва исрофгарчиликка, ичкиликбозликка, ўғирликка, социалистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай оғишларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун мусобақа имкониятларидан яхшироқ фойдаланилсин.

Меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини тубдан ошириш, барча турдаги ресурсларни тежаш, шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш мусобақанинг бош мақсадлари деб ҳисоблансин. Мусобақадошлар фан-техника тараққиёти ҳисобига энг муҳим кўрсаткичлар бўйича жаҳон даражасидан ўзиб кетишга йўналтирилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси қатнашчиларининг:

**ишчилар, колхозчиларнинг, бригадалар коллективларининг** куч-ғайратларини — унумдорликни оширишга, маҳсулотларнинг ҳаммасини юксак сифатли қилиб ишлаб чиқаришга, иқтисод ва тежамкорликка, хом ашёдан, машина ва ускуналардан самарали фойдаланишга, янги техника ва технологияни ўзлаштириш ҳамда жорий этишда, техникавий ижодиётда, меҳнат, технология ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя этишда актив қатнашишга;

**инженер-техник ходимлар ва мутахассисларнинг** куч-ғайратларини — фан-техника тараққиёти ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланишни жадаллаштиришга, техника ва технологияни, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга, маҳсулотга меҳнат ва материал сарфини камайтиришга, меҳнат коллективларининг планлари ва социалистик мажбуриятлари бажарилишини инженерлик жиҳатидан таъминлашга, бехатар ва соғлом меҳнат шароитларини яратишга;

**бирлашмалар, корхоналар, колхозлар ва совхозлар, қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коллективларининг** куч-ғайратларини — тармоқда энг юксак меҳнат унумдорлиги даражасига эришишга, олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, моддий ресурслар ва ёқилғи энергетика ресурсларини тежашга, ишлаб чиқаришнинг маромини, технология интизомини таъминлашга, иш вақти зое кетишини камайтиришга, фонд самарадорлигини ўстиришга, маҳсулот етказиб бериш юзасидан барча шартнома мажбуриятларини бажаришга, янги юксак самарали техника ҳамда прогрессив технологияларни, ихтироларни ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилишни бутун чоралар билан кўпайтиришга, қурилишнинг норматив муддатларини, меҳнатнинг хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилашга;

**илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотлари коллективларининг** куч-ғайратларини — янги туркумдаги техникани, самарали технология ва конструкторлик лойиҳаларини, қишлоқ хўжалик экинларининг серҳосил навларини ва сермаҳсул чорва зотларини яратишга, бу соҳаларда жаҳондаги илғор позицияларга эришишга, ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини қисқартиришга;

**шаҳарлар, районлар, областлар, ўлкалар, республикалар меҳнаткашларининг** куч-ғайратларини — иқтисодий ва социал вазифаларни комплекс ҳал этишга, регионал фан-техника программаларини амалга оширишга, ишлаб чиқариш потенциали ва илмий потенциалдан, ердан, меҳнат ресурслари, моддий, иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланишга, капитал қурилишни такомиллаштиришга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини оширишга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, аҳолига савдо, маиший хизматни, транспорт, медицина хизмати ва бошқа хизмат турларини яхшилашга, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга қаратишга даъват этадилар.

2. Министрликлар, идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик органлари социалистик мусобақани ташкил этиш даражасини оширсинлар, меҳнат коллективлари ва айрим ходимларнинг ўз резервларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, энг юксак марраларга эришиш иштиёқини ривожлантирсинлар. Бу ишда хўжалик юритиш ва бошқаришнинг илғор методларига, хўжалик ҳисоби ва коллектив пудратга, моддий ва маънавий рағбатлантириш формаларини қўшиб олиб боришга маҳкамроқ таянилсин.

Тиғиз планларни тузишда энг муҳим восита бўлиб қолиши лозим бўлган социалистик мажбуриятларнинг ҳар томонлама иқтисодий асосланиши таъминлансин. Меҳнат коллективларининг мажбуриятларни (муқобил планларни) йиллик планларга киритиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, ресурсларни тежаш, ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ички резервлар ҳисобидан ҳал этиш юзасидан тасдиқланган пландан ташқари мажбуриятлар қабул қилиниши ҳам рағбатлантирилсин.

Меҳнат ҳиссасига баҳо бериш ва мусобақадошларни рағбатлантириш чоғида социал адолат принципи қатъият ва изчиллик билан амалга оширилсин, бараварлаштиришга йўл қўйилмасин. Мусобақа қатнашчиларини моддий рағбатлантиришнинг таъсирчанлиги оширилсин, бунинг учун иш ҳақи фонди, моддий рағбатлантириш фонди ва махсус маблағлар ҳисобидан рағбатлантиришнинг барча форма ва системаларидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Меҳнат коллективларига социалистик мусобақа якунларига кўра эгалланган ўринларини ҳисобга олиб, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотларнинг миқдорларини ошириш, йил ва беш йиллик бошидан буён муттасил юксак кўрсаткичларга эришаётган кишиларга афзаллик бериш тавсия этилсин. Шарт-шароитлар яратила борган сари иш корхоналар ва ташкилотларда мукофотлаш системаси социалистик мусобақадаги ютуқларга бевосита боғлиқ қилиб қўйиладиган бўлсин.

Ижтимоий истеъмол фондларидан неъматларни тақсимлаш чоғида мусобақа ғолибларига афзалликлар берилсин. 1987 йилдан бошлаб Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан коллективларга социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши учун ажратмалар юқори ташкилотнинг резерви (марказлаштирилган фонди) ҳисобига 25 процент, тармоқ мусобақасидаги ғолибларга эса 15 процент кўпайтирилиши белгилансин.

Мусобақада маънавий омилнинг роли бутун чоралар билан оширилсин. Ишчилар, колхозчилар ва мутахассисларнинг ижодий ташаббускорлиги, ҳалол меҳнати, профессионал маҳорати ўз вақтида пайқаб олиниб, қўллаб-қувватлансин ва улуғлансин. Энг кўп ўрнак кўрсатганлар Давлат мукофотларига тақдим этилсин. Илғорларнинг номлари ва ишлари меҳнат коллективида, тармоқда, республикада ва мамлакатда маълум бўлиши керак. Мусобақанинг, унинг вазифалари, бориши ва якунларининг ошкоралиги кенгайтирилсин ва кучайтирилсин. Илғор тажриба тўғрисида мусобақадошлар оператив равишда хабардор қилинсин, ўз фаолиятининг натижаларини бошқа коллективлар ва ходимларнинг ютуқлари билан қиёслашда, бировларнинг муваффақиятга эришиши ва бошқа бировларнинг қолоқлиги сабабларини очиб ташлашда уларга ёрдам берилсин. Шу мақсадда матбуотдан, радио, телевидениедан, ахборот-пропаганда ишларининг, оғзаки ва кўргазмали агитациянинг турли воситалари ҳамда формаларидан самаралироқ фойдаланилсин. Ошкоралик, баҳо бериш ва рағбатлантириш омилларининг бутун системаси коллективларда юқори самарали ижодий меҳнат қилиш, инсоннинг қобилиятларини тўла намоён этиш, уни ғоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялаш учун қулай муҳитни вужудга келтириши керак.

3. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, ВЦСПС, министрликлар. идоралар ва тармоқ касаба союзларининг марказий комитетлари, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари тармоқларда, регионларда ва меҳнат коллективларида социалистик мусобақага раҳбарликни яхшиласинлар. Мусобақани ташкил этиш учун, уни ривожлантиришга зарур иқтисодий, техникавий ва социал шарт-шароитларни вужудга келтириш учун бошқарув барча бўғинларидаги хўжалик раҳбарларининг шахсий масъулияти оширилсин. Мусобақанинг ҳар бир қатнашчиси зарбдор ишлаши учун конкрет йўналишларни олдиндан билиши мақсадида меҳнат коллективларига планлар, бригадалар ва ҳар бир ходимга эса энг муҳим кўрсаткичлар бўйича топшириқлар ўз вақтида етказилиши таъминлансин. Мажбуриятларни расмийлаштиришга, расмий-бюрократларча муносабатда бўлишга, мусобақа якунларини тор доирада чиқаришдан иборат нотўғри практикага қатъиян барҳам берилсин. Жонли ташкилотчилик иши ўрнига ҳар хил ахборот ва ҳисоботларни йиғиш йўлидаги уринишларга чек қўйилсин.

Мусобақа кўрсаткичлари миқдори камайтирилсин. Бундай кўрсаткичлар беш йиллик планда ўртага қўйилган вазифаларга мос келиши, таққослашни, мусобақадошларга нисбатан тармоқ ва территориал талабнинг бирлигини таъминлаши лозим. Мусобақа формалари ва турларини танлаб олишга ижодий ёндашилсин. Ташаббусга кенг имконият очадиган, ишлаб чиқаришни интенсивлашга, юксак пировард натижаларга эришишга кўмаклашадиган мусобақанинг форма ва турлари ривожлантирилсин. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси иқтисодий ва социал тараққиётни жадаллаштириш вазифаларини комплекс ҳал этишга қаратилганлигини ҳисобга олиб, унинг доирасида оралиқ натижалари, айрим кўрсаткичларни бажариш, маҳсулотнинг якка-якка турларини ишлаб чиқариш учун мусобақани ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Натижалар таққосланишини жуда яхши таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бир хиллиги, уларнинг техникавий жиҳозланиши, табиий ҳамда бошқа объектив омиллар ҳисобга олинсин. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига беш йиллик топшириқларининг тобора ўсиб борувчи натижалари юзасидан ҳар йили якун чиқарилсин. Мусобақа якунини чиқариш чоғида мусобақанинг тасдиқланган шартларидан қандай бўлмасин чекинишга йўл қўйилмасин. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ҳамма кўчма Қизил байроқлар энг муҳим ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши бўйича планлар бажарилган тақдирдагина берилиши белгилаб қўйилсин. Қолоқ бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар, шунингдек ўртача ишлаб чиқариш кўрсаткичига эга бўлган хўжаликлар иши чуқур таҳлил қилинсин, хўжалик фаолиятини яхшилашда уларга ўз вақтида амалий ёрдам берилсин. Илғор бригадирлар, мастерлар, инженер-техник ходимлар, хўжалик раҳбарларининг қолоқ коллективларга ўтиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Турдош коллективларнинг «ишчи эстафетаси», юқори сифатли узлуксиз бригадалар принципидаги мусобақаси актив ривожлантирилсин, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишидан, янги юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, энг муҳим фан-техника проблемаларини ҳал этиш, «тадқиқот-ишлаб чиқариш» циклини, объектлар қурилиши ва уларни реконструкция қилиш муддатларини қисқартиришдан манфаатдорлиги ҳамда ўзаро масъулияти оширилсин.

4. Министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, партия, касаба союз ташкилотлари илғор тажрибадан фойдаланиш, уни жорий этишни жадаллаштириш ишларини тубдан яхшиласинлар. Ватанимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқлар бирлашмалар ва корхоналарга оператив маълум қилинсин. Касб маҳорати конкурсларини ўтказиш практикаси кенгайтирилсин. Рекорд унумдорликка, маҳсулотнинг аъло сифатига ҳамда юқори савияда хизмат кўрсатишга эришаётган бригадалар, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибаси базасида меҳнатнинг новаторлик усуллари ва методларига ўргатадиган мактаблар ташкил этилсин, кадрларни ўқитиш планларига, норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритилсин. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда энг юқори натижага эришган корхоналарда мусобақани ташкил этишнинг янги методларини ўрганиш юзасидан семинарлар ўтказилсин. Меҳнаткашларда хўжалик фаолиятини таҳлил этиш кўникмаларини ҳосил қилиш, мажбуриятларни, ижодий режаларни асослашнинг муҳим воситаси бўлган иқтисодий таълимнинг роли оширилсин. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрлар малакасини ошириш курсларида социалистик мусобақани ташкил этиш асосларини ўқитиш яхшилансин.

СССР Фан ва техника Давлат комитети, СССР Меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети ҳамда ВЦСПС билан биргаликда министрликлар ва идораларнинг тармоқлараро аҳамиятга молик илғор тажрибаларини оммалаштириш фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлансин. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ютуқларини кўрсатиш яхшилансин, виставка қатнашчиларини рағбатлантириш тартиби ва чоралари қайта кўриб чиқилиб, улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари билан мустаҳкам боғлансин.

5. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари:

ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар, хизматчилар — министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетларининг ёдгорлик совғалари ёки пул мукофотлари билан бирга эсдалик ёрлиқлари билан мукофотланиши;

бригадалар, участкалар, звенолар, фермалар, бўлимларнинг коллективлари — министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетининг эсдалик совғалари ёки пул мукофотлари билан бирга фахрий вимпеллари билан мукофотланиши;

комсомол-ёшлар коллективлари — ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик совғалари ёки пул мукофотлари билан бирга «Стахановчилик анъаналарининг ворислари» фахрий вимпеллари билан мукофотланиши;

ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш ва бошқа бирлашмаларнинг коллективлари, уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари, корхоналар, колхозлар, совхозлар, қурилиш, савдо, илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар коллективлари, идоралараро илмий-техника комплекслари, олий ўқув юртлари коллективлари — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари ва пул мукофотлари билан бирга кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланиши; КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришда энг юқори ва барқарор кўрсаткичларга эришган коллективлар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилиши;

шаҳарлар, автоном округлар, шаҳар ва қишлоқ районлари — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари ҳамда пул мукофотлари билан бирга кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланиши;

иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари билан бирга кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланиши белгилаб қўйилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда «Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун», «Уй-жой, бутун социал-маданият комплекси қурилиши планларини муваффақият билан тўла ва ошириб бажарганлиги учун», «СССР Озиқ-овқат программаси топшириқларини муваффақиятли бажарганлиги учун» дипломлари таъсис этилсин, бу кўчма Қизил байроқ ва дипломлар билан мазкур масалаларни ҳал этишда энг юқори натижага эришган иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар мукофотлансин.

Республика, ўлка ва областга бир вақтнинг ўзида бир неча кўчма Қизил байроқ берилган ҳолларда умумий натижалар учун кўчма Қизил байроқ топширилади, бошқа кўрсаткичлар учун тегишли дипломлар топширилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн иккинчи беш йилликда фан-техника тараққиёти асосида юксак кўрсаткичларга эришганлик учун» эсдалик нишони таъсис этилсин. Эсдалик нишони билан беш йилликда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида энг юқори пировард натижаларга эришган бирлашмалар, корхоналар, колхозлар, совхозлар, қурилиш, савдо, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар, олий ўқув юртлари коллективлари мукофотланади.

Ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва хизматчиларни мукофотлаш учун эсдалик совғаси ёки пул мукофоти қўшиб топшириладиган «Ўн иккинчи беш йиллик зарбдори» умумиттифоқ ягона нишони, бригадалар коллективлари учун эса «Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарганлик учун» ягона умумиттифоқ Фахрий ёрлиғи таъсис этилсин.

Бу мукофотлар юқори сифатли иш билан беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари учун, ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга новаторларча ёндашганлиги, юксак интизоми ва уюшқоқлиги учун меҳнаткашларга, бригадаларнинг коллективларига берилсин.

6. Меҳнатда ва илмий-техникавий ижодкорликда энг юксак натижаларга эришганликлари учун социалистик мусобақа ғолибларига — ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни СССР Давлат мукофотлари билан мукофотлаш миқдори ва тартиби ўн иккинчи беш йилликда ҳам сақлаб қолинсин.

СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг материал ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан тежаб ва оқилона фойдаланишдаги юксак кўрсаткичлари учун бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар коллективларини, районлар, шаҳарлар, областлар, ўлкалар, республикалар, СССР министрликлари ва идораларини СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисидаги таклифи; студентлар отрядлари коллективларини СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги таклифи;

ВЦСПСнинг — ишлаб чиқариш илғорларини, энг яхши бригадалар коллективларини совет касаба союзларининг халқ хўжалиги тармоқларидаги атоқли меҳнат ветеранлари номидаги мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги, социалистик мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун ҳар йили Совет Иттифоқи ва чет мамлакатлар бўйлаб туристик саёҳатларга 70 мингта имтиёзли йўлланма ажратиш ҳақидаги таклифи;

ВЛКСМ Марказий Комитетининг — социалистик мусобақада юқори натижаларга эришган ёш ишлаб чиқариш ходимларига, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига Ленин комсомоли мукофотлари бериш тўғрисидаги; ёш ишлаб чиқариш илғорларини «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифи; социалистик мусобақа ғолиблари учун совет халқи революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб ҳамда қардош социалистик мамлакатларга ҳар йили 30 мингта имтиёзли туристик йўлланма ажратиш тўғрисидаги; зарбдор комсомол қурилишлари мусобақасида ғолиб чиққан коллективларни ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда тегишли министрликлар ва идораларнинг кўчма Қизил байроқлари ҳамда диплом ва пул мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Министрликлар, идоралар, касаба союзлари Марказий Комитетлари билан биргаликда ўн иккинчи беш йилликда тармоқларда Бутуниттифоқ социалистик мусобақа шартларини бир ой ичида тасдиқласинлар. Хўжалик ва касаба союз органлари мусобақа шартларини ишлаб чиқишда меҳнат коллективларига ёрдам берсинлар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, илмий ходимлар, халқ хўжалигининг барча меҳнатчилари ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун курашда куч-га-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишлайдилар деб қатъий ишонч билдирадилар.

# ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШДА СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

**(Боши 1-бетда)**

«Янгиобод» совхозларида ҳам бедани ўриш ва ундан пичан тайёрлашдаги аҳвол худди шундайдир.

Кўпгина хўжаликлар ҳамон бедани аввалроқ эмас, балки гуллаган пайтида ўрмоқдалар. Шундай экан, беда пичанининг сифати ва тўйимлилиги ҳақида сўз юритиш мумкинми? Бу, аввало, Калинин районидаги Куйбишев номли колхозга тегишлидир. Бу ерда бедазорлар умуман суғорилмади, беда ёппасига гуллаб кетди, пояси дағал бўлиб қолди. Оққўрғон районидаги «Озод» ва Пискент районидаги «Гулистон» колхозларида ҳам ана шундай беғамликка йўл қўйилди. Жумладан, «Гулистон» колхози раҳбарларининг масъулиятсизлиги, район агросаноат бирлашмаси (раиси ўртоқ Соипов)нинг назоратсизлиги оқибатида 90 гектар бедазордан биринчи ўримда олинадиган пичан бутунлай қўлдан бой берилди. Бедани парвариш қилиш ва ўриб-йиғиб олиш технологиясининг бундай қўпол бузилиши энг қимматли озуқани кўплаб йўқотишга, моллар маҳсулдорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Кўплаб район ва хўжаликларда мавжуд имкониятлардан табиий ўтларни ўриб-йиғиб олишни жадаллаштириш соҳасида суст фойдаланиляпти. Бу муҳим ишга аҳолини жалб этишда ҳеч қандай сабабсиз бўшашувчанликка йўл қўйилмоқда. Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхозида план бўйича 1500 тонна табиий ўт пичани тозалаш мўлжалланган бўлса, ҳозиргача 120 тонна тайёрланди ёки план саккиз процент бажарилди холос. Шу райондаги Фрунзе номли колхозда ҳам аҳвол яхши эмас. Бу ерда эндигина йиллик планнинг 19,7 проценти миқдорида табиий ўт пичани тайёрланди.

Жойларда ихтисослашган ем-хашакчилик бригадада ва отрядлари тузилмаганлиги, мавжуд ҳамма техника воситалари ўз вақтида тахт қилиб қўйилмаганлиги, уларни оператив ремонт қилиш йўлга қўйилмаганлиги ем-хашак тайёрлаш суръатларининг пастлигига асосий сабаб бўлмоқда. Механизатор ва инженер кадрларнинг малакасини оширишга яхши эътибор берилмаяпти, озуқа жамғаришда илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларидан самарали фойдаланилмаяпти. Колхоз ва совхозларнинг партия комитетлари энг қисқа вақт ичида социалистик мусобақанинг таъсирчан формасини ишга солишлари, унинг ошкоралигига эришишлари, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг унумли ишлаб яхши ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари, оталиққа олган коллективнинг партия ташкилоти билан мустаҳкам амалий алоқа ўрнатишлари, ем-хашак тайёрлашда банд бўлган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун савдо, маиший, медицина ва маданий хизматни йўлга қўйишлари, агитаторлар ва пропагандистлар ишини активлаштиришлари керак. КПСС Марказий Комитети ўзининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида шунга даъват этмоқда. «Иқтисодий ўсишнинг юксак суръатлари, — дейилади бу муҳим ҳужжатда, — ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги учун курашиш, сабот ва изчиллик билан курашиш керак. Социалистик мусобақа ҳам худди шунга қаратилиши керак».

Хўжалик ва районларнинг раҳбарлари ўз вазифаларини ана шундай деб тушуняптиларми? Аҳвол шундан далолат бермоқдаки, ҳали ҳам боқибеғам раҳбарлар оз эмас. Ўрим муддатларини чўзиб юбориш, бедани қуритиш, пресслаш ва сақлаш технологиясининг бузилиши ва бошқа қатор хатолар шунга олиб келдики, областда ҳозиргача ўтган йилдагига нисбатан 50 минг тонна кам озуқа тайёрланди. Коммунистик, Бўка, Янгийўл, Ғалаба, Тошкент районларида дағал ем-хашак тайёрлаш планлари озуқа бирлигига айлантириб ҳисоблаганда эндигина 24—26 процент бажарилди. Чиноз, Тошкент, Калинин, Ғалаба, Оржоникидзе, Пискент, Оққўрғон ва Янгийўл райони хўжаликларида ҳам озуқа тайёрлашда ўтган йилдагидан ортда қолинмоқда.

Жойларда озуқанинг сифатига ҳам яхши эътибор берилмаяпти. Тошкент районида текширилган 11 та хўжаликда тайёрланган озуқанинг фақат 58 проценти биринчи класс даражасида, 33 проценти эса классиз бўлиб чиқди. Бу кўрсаткич Бўка районида 22 процент, Ғалаба районида 61 процент, Оржоникидзе ва Чиноз районларида 65 процентни ташкил этди.

Тайёрланаётган сенажнинг сифати бундан ҳам ёмон. Оҳангарон, Тошкент, Оржоникидзе районларида текшириб кўрилган сенажнинг ҳаммаси классиз эканлиги маълум бўлди. Ғалаба райони хўжаликларида тайёрланган сенажнинг ҳам кўп қисми сифатсиздир. Янгийўл районида эса тайёрланаётган озуқаларнинг сифати умуман текширувдан ўтказилмади.

Кўпгина хўжаликларда илғор технологиядан фойдаланилмаяпти. Озуқага консервантлар қўшилмаяпти. Областдаги 6 та хўжаликдагина деворлари бетонлаштирилган силос ва сенаж ҳандақлари қуришга киришилди. Биронта районда ҳам дағал озуқа сақланадиган бостирмалар қурилмаяпти.

22 июнда Тошкент область партия комитетида район партия комитетларининг биринчи секретарлари, область агросаноат комитети, қолоқ хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида ем-хашак тайёрлашдаги аҳвол ҳамда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг шу соҳадаги ташкилотчилик ишларини кучайтириш тадбирлари масаласи кўриб чиқилди. Унда район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, область агросаноат комитети ва РАПО раҳбарлари ем-хашак етиштиришдаги ўз масъулиятларини ҳамон чуқур тушуниб етмаётганликлари, бу масалада интизомсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўяётган хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан қатъий таъсир чораларини кўрмаётганликлари ва бу билан чорвачиликни янада ривожлантириш асосларини барбод қилаётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Район партия комитетларининг биринчи секретарлари, область агросаноат комитети раҳбарлари, (Н. И. Гусаков ва Р. Н. Нурматов ўртоқлар) юқори сифатли дағал ва ширали озуқа жамғариш бўйича 1986 йил планларининг сўзсиз бажарилиши, ҳар бир район ва хўжаликда 1986—1987 йиллар чорва қишлови учун мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтиришда шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

Район партия комитетларига, область агросаноат комитетига ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни ем-хашак етиштиришдаги мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этишга йўналтириш, колхоз ва совхозларнинг коллективларини ем-хашак тайёрлаш суръатларини оширишга, унинг сифатини яхшилашга сафарбар этиш вазифаси топширилди.

Шаҳар ва район партия комитетларига ем-хашак тайёрловчи қўшимча отрядлар тузиш, шаҳар ва район марказларининг меҳнатга яроқли аҳолисини табиий ўт пичани жамғаришга кенг жалб қилиш таклиф этилди.

Область агросаноат комитети, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари,районларнинг агросаноат бирлашмалари, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва раҳбарлари асосий эътиборни бедага ишлов беришни тубдан яхшилашга қаратишлари, ҳар бир хўжалик ва бригадада бедани ўриш технологиясига амал қилинишини таъминлашлари, ҳар бир ўримни 20—25 кунда ўтказишлари, бу йил камида олти марта ўриб олишлари лозим.

Шунингдек, озуқа лавлагисига ишлов беришни кучайтириш, маккажўхорини қисқа муддатларда поток усулида ўриб-йиғиб олишни уюштириш зарур. Пичан ва сомонни пресслашда, силос ва сенажларни консервантлар ҳамда оқсилларни қўшиб бостиришда, ўт уни тайёрлашда, сунъий қуритишда илғор технологиядан кенг фойдаланиш, ҳамма ерда деворлари бетонлаштирилган силос ва сенаж ҳандақлари, пичан сақланадиган бостирмалар ва озуқа цехлари қурилишини авж олдириш лозим. Ем-хашак тайёрлаш планларини ҳамда социалистик мажбуриятларни бажарганларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг таъсирчан воситаларини кенг қўлланиш керак. Бунда асосий эътибор озуқанинг сифатига қаратилиши, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ем-хашак тайёрлашда колхоз-совхозларга амалий оталиқ ёрдами кўрсатишларини таъминлаш, бу йил ҳар гектар майдондан камида 50—60 центнердан маккажўхори дони, 500 центнердан силосбоп кўк масса, 600—800 центнердан озуқа лавлагиси олиш, қишлов учун мустаҳкам озуқа базасини яратиш мақсадида бутун чораларни кўриш талаб этилади.

# ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «КПСС XXVII съездига табриклар» тўпламини босиб чиқарди. Тўпламда совет коммунистларининг олий анжуманида ҳозир бўлган коммунистик, революцион-демократик, социалистик ва социал-демократик партиялар, демократик, озодлик ҳаракатлари, урушга қарши кучлар ва ҳаракатлар вакилларининг табрик нутқлари, шунингдек чет эл партиялари ва ташкилотларининг съездга мактублари берилган.

* * *

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 1986 йил 10—11 июнь кунлари Будапештда бўлиб ўтган кенгаши ҳужжатлари ва материалларининг тўплами босмадан чиқди. Унда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг НАТО блокига аъзо давлатларга қилган мурожаати тексти, кенгашда қабул қилинган ахборот, бошқа материаллар берилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

**(ТАСС).**

